



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи  
Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Олтиариқ тумани Гулобод МФЙ худудида яшовчи 2520 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Олтиариқ тумани Гулобод МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 302 м<sup>3</sup> хисобланиб, уланиш нуқтаси. Гулобод МФЙ МТТ худудига 1 дона янги тик ичимлик сув кудуғи қазииш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона мавжуд ичимлик сув минорасини таъмирлаш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона ТП ўрнатиш, 1 дона сувни зарарсизлантириш ускунаси ўрнатиш, химоя худудини ўраш ҳамда қувур материали-полиэтилен бўлган гидравлик хисоб китобларга асосан 10.0 км ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Олтиариқ туман бўлими Бош муҳандиси



Ғ.Сатторов

Бажарди: ИЧБ